Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 15-dekabr, seshanba, 145 (23.425)-son

**Кун ҳикмати**

Кўнгилдаги гапни айтсанг, одамлар сенга кўпроқ ишонади








# Деҳқон меҳнати билан юрт обод, дастурхон тўкин

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни вилоятимизда кенг нишонланди. Самарқанд туманида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ходимларини жорий йилда эришган муваффақиятлари, соҳадаги ютуқлари билан табриклади.

- Вилоятимизда ҳозирги кунда жами 44 та, жумладан 10 та пахта-тўқимачилик, 15 та ғаллачилик, 13 та мева-сабзавотчилик, 5 та картошкачилик ва битта доривор ўсимликларни етиштирувчи кластер фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 151,9 минг гектар ер майдони бириктириб берилган, - деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. – Жорий йилда «Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида 96 та маҳалла сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилди. Пилладан йилига тўрт марта ҳосил олиш эвазига 12 миллион АҚШ долларига тенг ипак ва ипак маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида 12,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

2020 йилда 104,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги 133,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари Россия, Хитой, Туркия, Украина, АҚШ, Польша, Германия, Канада каби 53 давлатга экспорт қилинди. Лойиҳа қиймати 206,7 миллиард сўмлик умумий қуввати 20 минг тоннага эга 7 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари барпо этилиб, 205 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида Нарпай туманидаги "Азамат Сирож" ва "Абдусалом Хўшматов" фермер хўжаликларининг ғалла ва пахта етиштиришда эришган ютуқларининг эътироф этилгани ҳам вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Байрам тадбирида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллик фидокорона меҳнати, халқнинг ризқ-рўзи, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, аграр соҳада илғор технологияларни амалиётга жорий қилиш борасидаги улкан хизматлари туфайли бир гуруҳ ходимларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шунингдек, соҳа ходимлари Қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғига асосан "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси", Сув хўжалиги вазирлиги томонидан "Сув хўжалиги аълочиси", Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг "Илғор фермер" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишони ва совғалар билан тақдирланди.

**Раҳмонқул МУРОДОВ,**
**Паст Дарғом туманидаги "Мурод чавандоз" фермер хўжалиги бошлиғи.**

- Бу йил пандемия барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги тармоқларига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Лекин қийинчиликларни енгиб ўтиб, белгиланган маррани забт этдик. Хўжалигимиз тасарруфидаги 150 гектар майдонда ғалла ва ғўза парваришладик. Ғалладан қарийб 85 тонна, пахтадан 60 тоннадан ортиқ хомашё етиштириб, юзимиз ёруғ бўлди.

Бугунги касб байрамида меҳнатимиз эътироф этилиб, "Қишлоқ хўжалиги фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу эътироф менга янада куч бағишлади.

**Достон ТОШТЕМИРОВ,**
**"Пайариқ" муқобил машина трактор парки механизатори.**

- 3 йилдан буён механизаторлик қиламан. Дастлаб эски русумдаги тракторлар билан агротехник тадбирларни бажарган бўлсак, ҳозир янги техникалардан фойдаланяпмиз. Очиғи, бундай тадбирда биринчи бор қатнашишим. Тракторчининг меҳнати бу қадар эътироф этилади, деб ўйламагандим. Байрамда вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланганим, ишимга, касбимга бўлган меҳримни янада оширди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари байрами туманларда ҳам давом этди.

**Пайариқ тумани**да ўтказилган байрам тадбирида энг илғор муқобил машина-трактор парки, фермер хўжаликлари раислари, теримчилар туман ҳокимлиги ҳамда «Пайариқ кластер» масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдирланди.

Жумладан, «Пахтакор» муқобил МТП раиси Хўроз Қаршибоев «Tracker», «Сортой» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Эргашев «Nexia-3», мавсум давомида 10 тонна пахта терган Полвонариқ маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Чинниқулова «Damas» автомобили билан тақдирланди.

**Паст Дарғом тумани**даги байрамда бу йилги мавсум илғорларига туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Энг катта совға «Сарбон Н.И.Эргашев» фермер хўжалиги раҳбари Наврўз Эргашевга насиб этди. 597 тонна ўрнига 677 тонна пахта етиштириб, шартнома мажбуриятини туманда биринчилардан бўлиб бажарган фермерга «Nexia-3» автомашинаси совға қилинди.

**Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото),**
**"Зарафшон" мухбирлари.**

# Янги йилни уйда нишонлаймиз

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра:

▪ вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотлар томонидан турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланди;

▪ корпоратив байрам тадбирларидан тежаб қолинган маблағларни таълим, соғлиқни сақлаш, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий соҳаларга йўналтириш тавсия этилди;

▪ ушбу чеклов ресторан, кафе ва бошқа умумий овқатланиш объектларида 30 кишидан ошмаган ҳамда санитария-гигиена ва карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда байрам тадбирларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланди;

▪ мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаларида тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабалар иштирокида ёпиқ биноларда турли байрам тадбирлари ва кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланди;



▪ Янги йил байрами муносабати билан болажонлар учун мўлжалланган "Президент арчаси" байрам тадбирлари фақатгина меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчилари учун ўтказилиши белгиланди, бунда тарбияланувчиларнинг биргаликда бир масканда истиқомат қилиши инобатга олинди;

▪ вилоятлар, туманлар марказлари ва шаҳарларда очиқ осмон остида арчалар ўрнатиш тавсия этилди;

▪ вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари Янги 2021 йил байрами тадбирларини оила даврасида ўтказиш учун ходимларга зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрадилар;

▪ ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш шохобчаларида карантин чекловларига (мижозларни жойлаштиришда ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқобдан фойдаланиш, 30 кишидан ошмаган ҳолда тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш, шунингдек, дезинфекция ишларини амалга ошириш) қатъий риоя этилиши устидан назорат кучайтирилади.

Танзила НОРБОЕВА:

# «Фақат аёл киши бўлгани ёки кўргазма учун аёллардан раҳбар тайинлаш шартмас»

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши керак, деган ҳуқуқий меъёр мавжуд.

Лекин депутатликка номзод танлашда уларнинг салоҳияти кўп эътиборга олинмасди. Ўтган йилги сайловларда биринчи навбатда бўлғуси депутат аёлларнинг салоҳияти эътиборга олинди. Бугун қуйи палата депутатларининг 48 нафарини, сенаторларнинг эса 25 нафарини аёллар ташкил қилмоқда. Бутун дунёда парламент раҳбарларининг 57 нафари хотин-қизлар. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатимизда олти нафар ҳоким ҳам аёл киши.

Ушбу ва бошқа долзарб фикрлар «Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли» мавзусида видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган илк форумда янгради. Унда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳудудларнинг фаол хотин-қизлари иштирок этди.

- Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг раҳбар лавозимларида бўлиши, ўз ўрнини топиши учун имконият яратиш осон кечадиган жараён эмас, - деди Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева. – Йиллар давомида аёлларнинг салоҳияти эмас, шунчаки аёллиги учун, баъзи ҳужжатлардаги нормаларни бажариш учун улар депутатликка сайланди ёки раҳбарликка тавсия этилди. Мен бунга умуман қаршиман. Фақат аёл киши бўлгани учун эмас, унинг иқтидори, салоҳиятига қараб имкон бериш керак. Бугун гендер тенгликни таъминлаш масаласи деймизми, халқаро ҳужжатлардаги нормаларга амал қилиш учунми, аввало, шу масалага эътибор қаратиш керак. Ва бугун юртимизда шундай жараён бошланди. Ҳоким сифатида иш бошлаган, турли идораларда катта лавозимларда меҳнат қилаётган аёлларнинг меҳнатини самараси аллақачон сезила бошлади. Дейлик, аёллар ҳокимлик қилаётган олти туман, шаҳар турли кўрсаткичлари бўйича «яшил» тоифада.

Хабарингиз бор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳар тўрт йилда инсон ҳуқуқлари бўйича йирик анжуман ўтказилиб, унда аъзо давлатлар эришган ютуқ ва камчиликлари ҳақида айтилар эди. Афсуски, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш, қизларнинг таълим олиши учун имкониятлар етарли эмаслиги, хотин-қизларга нисбатан турли стереотипларнинг мавжудлиги юзасидан ҳақли эътирозларни эшитиб келаётганди. 2017 йилдан ушбу ҳолатларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда дадил қадамлар ташланди. Хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш каби масалалар юзасидан қонун кучга кирди.

Аммо бу борада ҳали олиб бориладиган ишлар талайгина. Ушбу форум доирасида мазкур масала бўйича таклиф ва тавсиялар албатта инобатга олинади.

Форум доирасида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Макгрегор ва бошқа халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар вакиллари мавзу юзасидан ўз фикрларини билдирди. Уч йўналишда олиб борилган форумда мавзуга доир амалий ишлар бўйича маърузалар тингланди, жиддий тавсия ва таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, хотин-қизлар орасидан раҳбарлик лавозимига тайинлашда кадрлар захирасини шакллантириш, тадбиркор хотин-қизларга ижтимоий солиқ ставкасини қўллаш, «Оналар куни»ни нишонлаш ва бошқа қатор амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

# Ҳокимлар аҳолига мурожаат қилди

## келгуси режалар ҳақида фикрлашди

Шу кунларда вилоятимизда халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг навбатдаги сессиялари бўлиб ўтмоқда. Сессияларда ҳокимлар 2020 йилда ҳудудда амалга оширилган ишлар, 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида аҳолига мурожаат қилмоқда.

Халқ депутатлари **Булунғур тумани** Кенгашида туман ҳокими Б.Баҳромов пандемия таъсири натижасида туманда январь-август ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 173 миллиард 102 миллион сўмга ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71,9 фоизга бажарилганлигини таъкидлади.

Кўрсаткични ошириш мақсадида туманда фаолият кўрсатаётган 221 та саноат корхонасининг фаолияти ўрганилиб, ишчи гуруҳлар томонидан 221 корхона хатловдан ўтказилган. Ўрганиш натижаларига кўра, корхоналар фаолияти мониторинг қилиниб, 27 таси 75 фоиз, 32 таси 50 фоиз, 41 таси 25 фоиз қувватда ишлаётганлиги аниқланган. Ушбу корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлашини таъминлаш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқариш, туман иқтисодиётини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича таклифлар ўрганиб чиқилган ва ҳал этилган.

Мурожаатда ҳоким кўпроқ коммунал соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимига тўхталди. Қайд этилишича, якунига етаётган йилда 25 километр электр симлар алмаштирилган, қўшимча 18 та трансформатор ва 208 та темир бетон устунлар ўрнатилган. 2021 йилда 500 дона темир бетон устун ва 23 дона трансформатор ўрнатилади.

Газ таъминотини яхшилаш борасида бу йил 1,4 километр янги газ тармоқлари фойдаланишга топширилган, 2021 йилда Булунғур шоҳкўчасидан Форобий кўчасигача бўлган жойдаги ер ости газ қувури алмаштирилади, Ўзбекистон кўчасидан Соболоқ кўчасигача 1,3 километр янги газ қувури тортилади. 2021-2023 йилларда туманда ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 22 та сув иншооти қурилади ва 17 та мавжуд иншоот реконструкция қилинади, 52,6 километр сув тармоқлари тортилади.

**Жомбой тумани** Кенгашининг сессиясида туман ҳокими Қ.Собировнинг таъкидлашича, йил бошидан буён туманда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 430 миллиард сўмлик 41 лойиҳа ишга туширилган.

Жумладан, саноатда 86 миллиард сўмлик 13, қишлоқ хўжалигида 308 миллиард сўмлик 15, хизмат кўрсатиш соҳасида 36 миллиард сўмлик 13 та лойиҳа рўёбга чиқди. Натижада 545 та янги иш ўринлари ҳамда 5 миллиард сўмлик қўшимча солиқ базаси яратилди. Йил якунига қадар умумий қиймати 36 миллиард сўмлик 5 та лойиҳа ишга туширилиб, 76 та янги иш ўрни яратилади.

Сессияга сенатор ва депутатлар, сектор раҳбарлари, туман фаоллари билан бирга умумтаълим мактабларининг 10 нафар фаол битирувчилари ҳам таклиф этилди.

- Ёшлар эртанги кунимиз эгалари, улар бугун туманимизда амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиши, бу жараёнда иштирок этиши ва шундан келиб чиқиб ўз олдига мақсад қўйиши керак, - деди туман ҳокими. - Шунинг учун кейинги икки сессиямизга фаол ёшларни ҳам таклиф этяпмиз. Бу орқали улар кенгаш иши билан, депутат фаолияти билан яқиндан танишмоқда.

2-саҳифа »»

Самарқандда ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида **2020 йилнинг 15 декабридан 2021 йил 15 январига қадар** "Туризм ойлиги" ўтказилади.

# "Туризм ойлиги" бошланди



Ойлик доирасида вилоят туризмни ривожлантириш департаменти туристик компаниялар ва ҳамкор ташкилотлар билан келишган ҳолда саёҳатчилар учун 50 фоизгача чегирмалар эълон қилди.

Вилоятнинг узоқ туманларидан ташриф буюрадиганларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан Самарқанд шаҳрида 1 кун қолиши тавсия этилади. Шунингдек, "Туризм ойлиги" доирасида фуқаролар ҳамда сайёҳларнинг белгиланган туризм манзилларига қулай, хавфсиз ҳамда юқори сифатли сервис хизматлари кўрсатилган ҳолда етиб боришлари, эркин сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида ойлик доирасида шаҳар маркази, вокзал, аэропорт ва автовокзалларда мунтазам фаолият кўрсатувчи туризм бекатлари фаолияти ташкил этилади.

Бекатлар учун алоҳида жойлар ажратилиб, туристик фирмаларнинг туристик синфга мансуб автобуслари, микроавтобус ва енгил автомашиналари доимий жалб этилади ҳамда белгиланган график асосида ҳаракатланади.

# Ҳокимлар аҳолига мурожаат қилди

## келгуси режалар ҳақида фикрлашди

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Халқ депутатлари **Тойлоқ тумани** Кенгаши сессиясида мурожаат қилган туман ҳокими Б.Бобоназаров 2021 йилда туманда бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилиши, қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайишини таъкидлади.

– Бу йилги пандемия шароитида эришмаган натижаларимизга 2021 йилда икки-уч ҳисса кўп эришишимиз керак, – деди Б.Бобоназаров. – Бунинг учун ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Жумладан, туманни 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 284,4 миллиард сўмлик 178 та лойиҳа киритилди. Бу лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 1046 та янги иш ўрни яратилади. Туризм соҳасида 73,5 миллиард сўмлик 2 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида келгуси йилда Боғичинор массивида 5 та 5 қаватли (80 та хонадон), Чароғбон массивида эса 5 та 12 қаватли (300 та хонадон) турар жой бинолари қурилиши бошланади. Шу билан бирга туман марказида хусусий сектор томонидан 2 та кўп хонадонли турар жой биноси қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Келгуси йилдаги энг катта режаларимиздан бири - туманимиздаги Имом ад-Доромий зиёратгоҳини обод қилишдир. Ушбу маскан Тойлоқнинг туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Иштихон тумани** ҳокими Ш. Негматов ўз мурожаатида бу йилги пандемия шароитида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланганига эътибор қаратди.

– Ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан, камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш юзасидан Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, – деди Ш.Негматов. – Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳалла, корхона бўйича иш олиб борилди. Секторларда фаолият юритаётган камбағалликни қисқартириш штаби аъзолари, депутатлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда туман ҳудудида камбағал, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити ўрганилиб, 2954 та камбағал оиладаги 13 минг 447 нафар аҳоли "Темир дафтар"га киритилди. Бу оилаларга "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида 1,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2214 та кам таъминланган оиладаги 9 минг 965 нафар аъзоларнинг ҳар бирига 220 минг сўмдан, жами 2 миллиард 192,3 миллион сўм маблағлар берилди.

"Темир дафтар"га киритилган 3742 нафар меҳнатга лаёқатли, ишга муҳтож фуқаронинг 3657 нафари ишга жойлаштирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида аҳолининг розилиги ва туман Кенгашининг қарорларига асосан 1475 оила камбағаллик тоифасидан чиқарилди.

Жамиятда аёллар ва ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш мақсадида айни пайтда "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш борасида иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда Иштихонда 30 ёшдан ошган хотин-қизлар сони 37033 нафарни ва 18-30 ёшгача бўлган ёшлар сони 45090 нафарни ташкил этади.

Ушбу хотин-қизлар ва ёшлар билан бирма бир суҳбатлашиб, уларнинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, ҳаётдан рози бўлиб яшашдаги умид ва истакларини аниқлаш учун хатлов ўтказилди. Бугунги кунда хатлов ишлари якунланиб, асосий эътиборни рўйхатга олинганларнинг муаммоларини ҳал этиш ва орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Ургут тумани** ҳокими Б.Жабборов аҳолига мурожаатида туман иқтисодиётини ривожлантириш учун 3 та ўсиш нуқтаси белгилаб олинганини қайд этди.

– Биринчи ўсиш нуқтаси саноат соҳасида тўқимачилик, чарм-пойабзал ва электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат, – деди Б.Жабборов. – Бугунги кунда туманимизда тўқимачилик соҳасида 112 та, чарм-пойабзал соҳасида 74 та ва электротехника саноатида 14 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ушбу саноат тармоқлари ишчи кучи кўп талаб этадиган соҳа ҳисобланади. Ваҳоланки, туманда меҳнат ресурслари 262 мингта бўлиб, ишсизлар сони 13 мингтани ташкил этмоқда.

2021 йилда тўқимачилик йўналишида 528 миллиард сўмлик 24 та, чарм-пойабзал йўналишида 55 миллиард сўмлик 6 та ва электротехника йўналишида қиймати 190 миллиард сўмлик 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Иккинчи ўсиш нуқтаси, бу – хизматлар соҳаси бўлиб, савдо хизмати ва экотуризмни ривожлантирамиз. Туманда жорий йилда савдо хизматлари ҳажми 180,2 миллиард сўм бўлиб, аҳоли жон бошига атиги 349 минг сўмга тўғри келмоқда. Соҳани ривожлантириш мақсадида 106,1 миллиард сўмлик 16 та лойиҳа амалга оширилади. Харидор ва сотувчилар учун қўшимча 1130 та савдо нуқталари яратилади.

Тоғли ҳудуд ҳисобланган Баҳрин, Бешкон, Қоратепа, Терсак, Омонқўтон маҳаллаларида экотуризмни йўлга қўйиш учун меҳмонхона, дам олиш масканлари ташкил этилади.

Учинчи ўсиш нуқтаси, бу қишлоқ хўжалиги соҳасида узумчиликни ривожлантириш бўлиб, ғалладан қисқартирилган 5000 гектар ер майдонининг 3235 гектарида токзор ташкил этилмоқда. Бугунги кунда 2200 гектар майдонда узум кўчатлари экилди. 2021 йилда 1035 гектар ер майдонида узум кўчатлари экилади.

*Сессиялар якунида туманлар ҳокими ва секторлар раҳбарлари иштирокида матбуот анжуманлари ўтказилди. Унда сессияларда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва тадбирни ижтимоий тармоқлар орқали кузатган фуқароларнинг саволларига жавоб қайтарилди.*

***Вилоят Матбуот уйида***

## Монополия бошқармаси аралашгач...

Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Азамат Беккулов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда бошқарманинг жорий йилдаги фаолияти юзасидан маълумот берилди. Таъкидланишича, йилнинг ўтган даврида бошқармага 22 тадбиркорлик субъектидан мурожаатлар келган бўлиб, 151 618,2 минг сўм асоссиз ҳисобланган тўловлар тадбиркорларга қайтарилган. Товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган 10 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъект давлат реестридан чиқарилган.

Ҳудудий бошқарма ҳузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасига жорий йилнинг ўтган даври давомида 895 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 807 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган, 88 таси белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун ваколатли органларга юборилган.

Шунингдек, дори воситалари нархлари юзасидан мониторинг ўтказилиб, 1092 дорихонага огоҳлантириш хатлари юборилган. 7 та дорихонага нисбатан тегишли тартибда иш қўзғатилган.

**Эслатиб ўтамиз:** Сизда савол ва таклиф бўлса Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасининг **(66) 233-31-33** ишонч телефони орқали боғланишингиз мумкин. Шунингдек, агентликнинг қисқа **1159** ва қўмитанинг **(71) 207-48-00** рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Ҳ.ФАЗЛИДДИНОВ.**

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси томонидан суд ҳужжатларини ижро этиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, шунингдек, мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга бағишланган анжуман ўтказилди.

## Энг кўп мурожаат

### алимент ундируви билан боғлиқ

Бошқарма бошлиғи Алишер Зокировнинг таъкидлашича, ўтган даврда 272 мингга яқин ижро ҳужжатлари юзасидан мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилган бўлиб, улар бўйича ижрога қаратилган мажбурий мулкий ундирувларнинг умумий суммаси 2 триллион 230 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилган. Ҳозиргача мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 1 триллион 308 миллиард 659 миллион сўмлик 168 минг 610 та ижро ҳужжати бўйича якуний қарорлар қабул қилиниб, амалда 706,6 миллиард сўм тўлов ва қарздорликлар ундирилган.

- Бошқарма томонидан алимент ундирувлари билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий тўловларни ундириб бориш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, - дейди А.Зокиров. - Хусусан, 2020 йил 1 декабрь ҳолатига шаҳар ва туман бўлимлари иш юритувида 28 минг 990 та ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Келиб тушган жами 17067 та мурожаатнинг 10882 таси ёки 63,7 фоизини алимент ундирувлари билан боғлиқ мурожаатлар ташкил қилади. 11 ойда бу мурожаатларнинг 5870 таси қаноатлантирилиб, алимент олувчиларга қарздорлардан 14,4 миллиард сўм маблағ ундириб берилди. Сурункали равишда алимент тўловларидан бўйин товлаб келган 427 нафар қарздорлар маъмурий, 26 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

# Коррупция – тараққиёт кушандаси

Самарқанд халқаро аэропортида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, Самарқанд давлат университети ўқитувчилари томонидан коррупциянинг жамиятга салбий таъсири ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланишича, корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимлар учун қулай шароит яратиб берилса-да, баъзи ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида коррупция ҳолатлари учрамоқда. Афсуски, бу ҳолат айниқса, раҳбарларда кузатилмоқда. Бунинг учун жамоатчилик назорати янада кучайиши керак. Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилаётгани айтилди.

- Тадбирда мутахассислар коррупция тараққиёт илдизига болта ураётгани ҳақида аниқ мисоллар орқали тушунча берилди, - дейди Самарқанд халқаро аэропорти директори вазифасини бажарувчи Муроджон Жамолов. – Давра суҳбатида қатнашган ходимларимизнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилди. Албатта, бундай учрашувлар уларнинг хизмат вазифасида тўғри йўлдан адашмаслигига ёрдам беради.

**Ҳусан ЭЛТОЕВ.**

***Ёнимиздаги одамлар***

# Мотрудлик хирург



Ҳа, мен бугун фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган инсонни Самарқанд аҳли шундай атайди. Мотрудлик хирург Аъзамқул Эшонқулов моҳир хирург, ажойиб инсон, соғлиқни сақлаш ташкилотчиси ва олим.

Болалигидан дўхтир бўлиш, одамларни даволашни ўз олдига мақсад қилган ёш Аъзамқул Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олиб юрган пайтлариданоқ бу олийгоҳга бежиз келмаганини исботлади. Билимга ташналиги, ўзининг ташкилотчилиги билан профессор-ўқитувчилар эътиборига тушди. Шу боис талабалар касаба уюшмасини бошқарди, турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этди. Бунга биз, бирга ўқиган дўстлари кўп гувоҳ бўлганмиз. Масалан, унинг талабалар иштирокида ташкил қилган рус тилидаги "Сфинксы" ҳамда ўзбекча "Бинафша" ашула ва рақс ансамблларининг концертлари ҳозиргача эсимиздан чиқмайди. Бу концертлар байрамларда, ётоқхоналарда ва пахта далаларида тенгдошларимизга жуда манзур бўларди.

Аъзамқул Мустафоқулович ўзининг асосий касби - хирургияни ҳам тезда ўзлаштириб олди. Хусусан, 1977 йилда институтнинг биринчи клиникасида ординатура ўтаётган пайтларида доцент Рафиқ Сатторовга шогирд тушиб, хирургиянинг сир-сарорларини ўрганди. Икки йилдан кейин моҳир хирург бўлиб танилди.

Аъзамқул Мустафоқулович амалий хирургия билан бирга илмий изланишларни ҳам олиб борди. Ўша вақтлар иттифоқдаги саноқли шаҳарлардагина таниқли олимлар раҳбарлигида юқори технологияли марказлар ташкил қилинган эди. Ёш Аъзамқул 1986 йилда Киев шаҳрига бориб, машҳур тиббиёт ходими, академик А.Шалимов билан танишди. Олим раҳбарлигида мустақил изланувчи сифатида илмий иш бошлади. Натижада 1990 йил Киев шаҳрида "Ошқозон ости бези касалликларида криохирургик даволаш усулини қўллаш" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик ёш олим ташаббуси билан Самарқандда криохирургия ва лазер хирургияси йўналишлари ташкил қилинди.

У СамТИ 2-клиникаси бош врачи, тажрибали тиббиёт ходими Ҳожи Улуғов назарига тушди. Аввал хирургия бўлими мудири, кейин бош врач ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди. СамДТИ 2-клиникаси республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиалига айлантирилгандан кейин А.Эшонқулов бош врач лавозимига тайинланди.

Тиббиёт фанлари номзоди Аъзамқул Эшонқулов 50 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, иккита ихтирога патент олган, 3 та монография чоп эттирган.

Бугун 70 баҳорини қарши олган Аъзамқул ака қарийб 45 йиллик меҳнат фаолияти давомида илмий салоҳиятга эга бўлди, минглаб беморлар дардига дармон бўлди. Шунинг учун ҳам "Мотрудлик хирург" деб ном чиқарди.

Устоз улуғ ёшида ҳам қизғин меҳнат фаолиятида, илмий изланишда. Ҳозирги кунда шогирдларга маслаҳатгўй бўлиш билан бир қаторда республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали санитария авиацияси хизмати бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

**Маматқул АЗИЗОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори.**

# Назорат хариди нима?

Солиқ кодексида сайёр солиқ текшируви тартиб-қоидаси белгиланган. Бу текширув раҳбарнинг буйруғи асосида ўн иш кунигача бўлган муддатда ўтказилади.



Хўш, назорат хариди қандай жараён?

Назорат хариди назорат-касса техникалари ёки ҳисоб-китоб терминалларидан харидорларга касса чеки берилиши, банк карталари орқали тўловлар қабул қилиниши ҳамда нақд пул маблағлари ва банк карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар шаклига қараб нархлар сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши ҳолатлари мавжудлигини текшириш мақсадида ўтказилади.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги фармонига биноан жорий йилнинг 1 январидан савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига онлайн НКМ босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Жорий йилдан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармон, бензин, дизель ва газ ёқилғиси савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланишга ўтди.

Шунга қарамасдан айрим тадбиркорлик субъектлари бу борадаги қоидаларга риоя қилмаяпти. Шу боис, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида "Soliq hamkor" иловаси амалиётга жорий этилди. Ушбу илова орқали истеъмолчилардан мурожаат ва шикоятлар қабул қилинмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябридан 24 ноябрига қадар онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик, харидорларга касса чеки тақдим этмаслик бўйича 195 мурожаат келиб тушди. Шундан 114 ҳолатда текшириш ўтказилиб, жарима қўлланилди. Жумладан, Тойлоқ тумани "Қўрғонча" маҳалласида жойлашган "R" масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган сайёр солиқ текшируви давомида жамият ишчиси харидорга 65 минг сўмга сотиб олган бензин учун харид чеки бермаганлиги аниқланди. Шунингдек, текширишда жамият кассасида 5 миллион 164 минг сўм савдо пули НКМ хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди.

Фуқаролар савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида касса чекини талаб қилса, солиқ тушумлари ошишига ҳамда юртимиз равнақига ҳисса қўшган бўладилар.

**Анвар БАҲРИДДИНОВ,**
**вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими.**

Аработа маҳалла фуқаролар йиғини Янгиҳаёт гузарига маҳаллий бюджетнинг 420 миллион сўм маблағи ҳисобидан битта ичимлик сув иншооти ва 3 километр сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди.

# Янгиҳаётга сув келди



Шу йил 5 декабрь куни вилоят ҳокими Тим қишлоғи ёшлари билан учрашувида Янгиҳаёт гузарида яшовчи аҳоли хонадонларининг тарқоқ жойлашувини инобатга олиб, бу ерга қўшимча ичимлик суви тармоғи тортиш бўйича топшириқ берганди.

Айни кунларда Янгиҳаётга 2 километр ичимлик суви тармоғини тортиш учун қувурлар келтирилиб, туман ҳокимлиги ташаббуси билан қазиш ва ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Насриддин САФАРОВ,**
**Нуробод тумани.**

## Арзимурод РАҲМАТУЛЛАЕВ



Самарқанд давлат университети илмий жамоси оғир жудоликка учради. География ва экология факультети гидрометеорология кафедраси профессори Арзимурод Раҳматуллаев 77 ёшида оламдан ўтди.

А.Раҳматуллаев 1943 йилда Навоий вилояти Нурота тумани Қадоқ қишлоғида туғилганди. 1959-1964 йилларда Самарқанд давлат университети география факультетида ўқиди. Илмга иштиёқи туфайли меҳнат фаолиятини шу даргоҳда бошлади. Москва давлат университети география факультети аспирантурасида таҳсил олиб, Оқтов тизмаси ландшафтлари ва улардан рационал фойдаланиш масалалари билан шуғулланди, илмий изланишлар олиб борди. Натижада шу мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Домла 1977 йилдан умумий табиий география кафедраси ўқитувчиси, кейинчалик ушбу кафедра доценти, кафедра мудири ва узоқ йиллар факультет декани лавозимларида фаолият олиб борди. Талабаларга "Гидрология", "Метеорология ва иқлимшунослик", "Ландшафтлар геохимияси", "Умумий экология" каби фанлардан сабоқ берди.

А.Раҳматуллаев 2018 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Устоз ўз фаолияти давомида 300 га яқин илмий мақолалар ва методик қўлланмалар нашр қилдирди.

А.Раҳматуллаев ландшафтшунослик, геоэкология, чўлланиш, шамол энергетикасидан фойдаланиш муаммолари бўйича йирик тадқиқотчи олим эди.

Устознинг хотираси у кишини билган ва сабоғини олган инсонлар, дўстлари ва шогирдлари қалбида мангу қолади.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ЖАМОАСИ**

## Абдуманнон РАФИҚОВ



Тажрибали тиббиёт ходими, камтарин ва самимий инсон Абдуманнон Рафиқов 2020 йил 13 декабрь куни 61 ёшида вафот этди.

А.Рафиқов 1959 йилда Самарқанд шаҳар Қўшҳовуз маҳалласида туғилди. 1976 йилда Самарқанд шаҳридаги 10-ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетида таҳсил олди.

1982 йилдан Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сонли клиникаси ординатори, хирургия бўлими мудири, СамДТИ 2-сон клиникаси бош врачи бўлиб ишлади. 1997-1999 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультети даволаш ишлари бўйича проректори вазифасида фаолият кўрсатди.

А.Рафиқов республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят филиали ташаббускори ва унинг биринчи директори бўлди. 2002-2003 йилларда республика репродуктив саломатлик марказининг Самарқанд вилояти бош консультанти бўлиб ишлаган А.Рафиқов кейинчалик 1-сонли Самарқанд шаҳар шифохонаси бош врачи лавозимида ишлади. Айни пайтда Кимёгарлар қўрғонидаги 10-оилавий поликлиникага раҳбарлик қилиб келаётган эди.

Олий тоифали хирург Абдуманнон Рафиқов Россия, Туркия, АҚШ давлатларида халқаро конференцияларда қатнашган. Кўплаб ёшларга устозлик қилган.

А.Рафиқовнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Унинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди.

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ.**


# «CAPITAL REALTOR GROUP»

## масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиали 2020 йил 30 декабрь куни соат 11:00 да объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 3.12.2020 йилдаги 24-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёнига ва Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 10.12.2020 йилдаги буюртма хатига асосан қуйидаги мулклар савдога қўйилганлигини маълум қилади:**

**1. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Иштихон туман филиалига тегишли:**

- Иштихон тумани Одил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1072,26 кв.м., қурилиш ости майдони 709,82 кв.м., фойдали майдони 681,53 кв.м. бўлган "Ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 1 091 245 500 сўм.
- Иштихон тумани Нусибкор қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1820,0 кв.м., қурилиш ости майдони 338,50 кв.м., фойдали майдони 304,59 кв.м. бўлган "Ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 634 986 000 сўм.
- Иштихон тумани Қирқйигит қишлоғида жойлашаган умумий ер майдони 1552,55 кв.м., қурилиш ости майдони 617,83 кв.м., фойдали майдони 566,38 кв.м. бўлган "Ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 1 084 445 100 сўм.

**2. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Каттақўрғон тумани филиалига тегишли:**

- Каттақўрғон тумани Қиёт қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 1445,37 кв.м., қурилиш ости майдони 384,08 кв.м., фойдали майдони 339,48 кв.м. бўлган "Пахтакор минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 495 862 200 сўм.
- Каттақўрғон тумани Кадан қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1518,65 кв.м., қурилиш ости майдони 458,41 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган "Минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 735 932 700 сўм.
- Каттақўрғон тумани Каттаминг қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 2426,77 кв.м., қурилиш ости майдони 1613,07 кв.м., фойдали майдони 1538,17 кв.м. бўлган "М.Султонов минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 2 202 599 700 сўм.
- Каттақўрғон тумани Қипчоқравот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2820,37 кв.м., қурилиш ости майдони 514,36 кв.м., фойдали майдони 385,09 кв.м. бўлган "Қорадарё минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 1 025 053 200 сўм.
- Каттақўрғон тумани Қўштепа қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 2 634,39 кв.м., қурилиш ости майдони 442,14 кв.м., фойдали майдони 176,41 кв.м. бўлган "Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 350 956 800 сўмда.
- Каттақўрғон тумани Мулла кичкина қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 1619,31 кв.м., қурилиш ости майдони 281,60 кв.м., фойдали майдони 265,44 кв.м. бўлган "Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 380 849 400 сўм.

**3. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Оқдарё тумани филиалига тегишли:**

- Оқдарё тумани Олчин қишлоғида жойлашаган, умумий ер майдони 925,21 кв.м., қурилиш ости майдони 304,72 кв.м., фойдали майдони 255,92 кв.м. бўлган "1-сон шохобча" биноси. Бошланғич нархи 552 995 100 сўм.
- Оқдарё тумани Навоий қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2906,21 кв.м., фойдали майдони 1095,53 кв.м. бўлган "2-сон шохобча" биноси. Бошланғич нархи 1 624 050 900 сўм.
- Оқдарё тумани Авазали қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3514,67 кв.м., қурилиш ости майдони 475,03 кв.м., фойдали майдони 355,37 кв.м. бўлган "6-сон шохобча" биноси. Бошланғич нархи 818 033 400 сўм.
- Самарқанд тумани Чорбоғ-2 қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1527,12 кв.м., қурилиш ости майдони 782,44 кв.м., фойдали майдони 751,90 кв.м. бўлган "Омборхона" биноси. Бошланғич нархи 813 776 400 сўм.

**4. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Паст Дарғом тумани филиалига тегишли:**

- Паст Дарғом тумани Тўқбой МФЙ А.Навоий массивида жойлашган, умумий ер майдони 1540 кв.м., қурилиш ости майдони 603,75 кв.м. бўлган "5-сон А.Навоий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 640 217 700 сўм.
- Паст Дарғом тумани Уску маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1483 кв.м., қурилиш ости майдони 1052,75 кв.м. бўлган "15-сон Машъал минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 819 101 700 сўм.
- Паст Дарғом тумани Санчиқул МФЙ Санчиқул маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3712,9 кв.м., қурилиш ости майдони 867,58 кв.м., фойдали майдони 1319,66 кв.м. бўлган "9-сон Бобур номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 1 130 580 900 сўм.
- Паст Дарғом тумани Боғанали маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1939 кв.м., қурилиш ости майдони 271,14 кв.м. бўлган "4-сон Зарафшон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 307 458 900 сўм.
- Паст Дарғом тумани Хончорбоғ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 228,75 кв.м., қурилиш ости майдони 228,0 кв.м. бўлган "1-сон А.Яссавий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 220 917 600 сўм.
- Паст Дарғом тумани Илм маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1085 кв.м., қурилиш ости майдони 453,70 кв.м. бўлган "10-сон Илм минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 454 746 600 сўм.
- Паст Дарғом тумани Беклар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1514,90 кв.м., қурилиш ости майдони 391,18 кв.м. бўлган "6-сон Шарқ юлдузи минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 435 977 100 сўм.
- Паст Дарғом тумани Жағалбойли маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1762,40 кв.м., қурилиш ости майдони 642,10 кв.м. бўлган "14-сон Ўзбекистон минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 575 111 700 сўм.
- Паст Дарғом тумани Янгировот маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1319,70 кв.м., қурилиш ости майдони 501,75 кв.м. бўлган "8-сон Ал Хоразмий номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 458 322 300 сўм.
- Паст Дарғом тумани Янгисаноат маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1811,30 кв.м., қурилиш ости майдони 679,30 кв.м. бўлган "3-сон Дўстлик минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 752 416 200 сўм.
- Паст Дарғом тумани Зангибой маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2296,96 кв.м., қурилиш ости майдони 841,11 кв.м. бўлган "13-сон Қ.Тўраев номли минерал ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 674 311 500 сўм.

**5. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Жомбой тумани филиалига тегишли:**

- Жомбой тумани Нўш қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1468 кв.м., қурилиш ости майдони 1146,90 кв.м., фойдали майдони 1092,53 кв.м. бўлган "Ҳақиқат шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 811 352 700 сўм.
- Жомбой тумани Еттиуруғ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1379,20 кв.м., қурилиш ости майдони 835,47 кв.м., фойдали майдони 798,16 кв.м. бўлган "Гулистон шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 617 000 400 сўм.
- Жомбой тумани Қўштепа қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 877 кв,м, қурилиш ости майдони 499,43 кв.м., фойдали майдони 450,34 кв.м. бўлган "Зарафшон шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 371 686 500 сўм.
- Жомбой тумани Оққовун қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 6700 кв.м., қурилиш ости майдони 172,81 кв.м., фойдали майдони 138,99 кв.м. бўлган "Эсонтурдиев номли шохобча" биноси. Бошланғич нархи 1 019 102 400 сўм.

**6. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Нарпай туман филиалига тегишли:**

- Нарпай тумани Наврўз маҳалласи Ўзбекистон массивида жойлашаган, умумий ер майдони 1803,74 кв.м., қурилиш ости майдони 388,96 кв.м., фойдали майдони 340,65 кв.м. бўлган "Ўзбекистон ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 365 630 400 сўм.
- Нарпай тумани Оқолтин маҳалласи Оқолтин массивида жойлашаган, умумий ер майдони 1866,39 кв.м., қурилиш ости майдони 771,30 кв.м., фойдали майдони 681,96 кв.м. бўлган "Ибн Сино номли ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 643 025 700 сўм.
- Нарпай тумани Мирбозор ШФЙ Сарбозор маҳалласи Ғалаба массивида жойлашган, умумий ер майдони 1271,75 кв.м., қурилиш ости майдони 519,80 кв.м., фойдали майдони 469,52 кв.м. бўлган "Ғалаба ўғит шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 485 799 300 сўм.
- Нарпай тумани Ўзбеккент маҳалласи Ҳақиқат массивида жойлашаган, умумий ер майдони 1487,66 кв.м., қурилиш ости майдони 409,54 кв.м., фойдали майдони 364,28 кв.м. бўлган "Ҳақиқат ўғит тарқатиш шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 382 033 800 сўм.

**7. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Булунғур тумани филиалига тегишли:**

- Булунғур тумани Ҳ.Олимжон массивида жойлашган, умумий ер майдони 537 кв.м., қурилиш ости майдони 496,90 кв.м. бўлган "Ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 384 569 100 сўм.
- Булунғур тумани М.Улуғбек массивида жойлашган, умумий ер майдони 3933 кв.м., қурилиш ости майдони 435,40 кв.м., фойдали майдони 381,90 кв.м. бўлган "Ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 318 132 900 сўм.

**8. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Тойлоқ тумани филиалига тегишли**, Тойлоқ тумани Боғизоғон маҳалласи Тожикравот қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 887 кв.м., қурилиш ости майдони 677,90 кв.м., фойдали майдони 604,94 кв.м. бўлган "Менерал ўғит омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 622 927 800 сўм.

**9. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Пайариқ тумани филиалига тегишли:**

- Пайариқ тумани Муҳаммади маҳалласи Муҳаммади қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 2 260 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". Бошланғич нархи 452 317 500 сўм.
- Пайариқ тумани Жавшар ота маҳалласи Еттиуруғ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 596,60 кв.м., қурилиш ости майдони 278,64 кв.м., фойдали майдони 237,70 кв.м. бўлган "Шохобча" биноси. Бошланғич нархи 220 430 700 сўм.
- Пайариқ тумани Маданият маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 942 кв.м., қурилиш ости майдони 525,51 кв.м., фойдали майдони 467,87 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич нархи 472 356 000 сўм.
- Пайариқ тумани Хўжа Исмоил маҳалласи Хўжа Исмоил қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1450 кв.м., қурилиш ости майдони 313,60 кв.м., фойдали майдони 284,40 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". Бошланғич нархи 287 228 700 сўм.
- Пайариқ тумани Баҳрин маҳалласи Баҳрин қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 3755,08 кв.м., қурилиш ости майдони 1580,68 кв.м., фойдали майдони 1516,66 кв.м. бўлган "Омборхона биноси". Бошланғич нархи 1 242 336 600 сўм.
- Пайариқ тумани Туркибола маҳалласи Туркибола қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 693,04 кв.м., қурилиш ости майдони 390 кв.м., фойдали майдони 348 кв.м. бўлган "Шахобча биноси". Бошланғич нархи 306 077 400 сўм.

**10. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Ургут тумани филиалига тегишли:**

- Ургут тумани Қуйи Алгар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 1121,48 кв.м., қурилиш ости майдони 723,42 кв.м., фойдали майдони 656,06 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 671 434 200 сўм.
- Ургут тумани Кенагас маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 3904,34 кв.м., қурилиш ости майдони 377,33 кв.м., фойдали майдони 333,53 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 397 886 400 сўм.
- Ургут тумани Қуйиқишлоқ маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2038,19 кв.м., қурилиш ости майдони 663 кв.м., фойдали майдони 615,89 кв.м. бўлган "Кимёвий ўғитлар сақлаш омборхонаси" биноси. Бошланғич нархи 670 491 000 сўм.

**11. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя" ҲАЖ Пахтачи тумани филиалига тегишли:**

- Пахтачи тумани собиқ Хайиробод ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 1498 кв.м., қурилиш ости майдони 452,80 кв.м., фойдали майдони 392,76 кв.м. бўлган "3-сон Оқтепа шохобчаси" биноси. Бошланғич нархи 223 516 800 сўм.
- Пахтачи тумани Тома МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 646 кв.м., қурилиш ости майдони 343 кв.м., фойдали майдони 284,73 кв.м. бўлган "1-сон Охунбобоев номли шохобча" биноси. Бошланғич нархи 149 280 300 сўм.
- Пахтачи тумани собиқ Пўлатчи ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 917 кв.м., қурилиш ости майдони 374 кв.м., фойдали майдони 300,58 кв.м. бўлган "7-сон Рўзиқул Махманов номли шохобча" биноси. Бошланғич нархи 225 537 300 сўм.
- Пахтачи тумани Янги Диёр ЖУТ массивида жойлашган, умумий ер майдони 1646 кв.м., фойдали майдони 765,76 кв.м. бўлган "5-сон Зарафшон шохобчаси" (омборхона) биноси. Бошланғич нархи 230 522 400 сўм.
- Пахтачи тумани собиқ Хумор ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3306,3 кв.м., қурилиш ости майдони 452,8 кв.м., фойдали майдони 392,76 кв.м. бўлган "6-сон Шамс Назаров номли шохобча" биноси. Бошланғич нархи 267 012 000 сўм.

**Талабгорлар диққатига!** Ушбу кўчмас мулклар 2020 йил 30 декабрь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ларнинг такрорий аукцион савдолари 2021 йил 4 ва 11 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли филиал вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунлари шанба, якшанба) байрам кунларидан ташқари соат 9:00 дан 17:00 гача Самарқанд шаҳри МирзоУлуғбек кўчаси, 150-уй, 2-қават, 1-хонада қабул қилинади (тушлик 13:00 дан 14:00 гача). Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Савдо ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар эса жамият гувоҳномаси, низоми ва ваколатли шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда ишончнома асосида ваколатли шахс қатнашган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончноманинг асл нусхаси тақдим этилади.

Савдо ўтказилиш, талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ҳамда қўшимча маълумот олиш учун манзил:
**Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 2-қават.**
**Телефон:** 93-355-74-06.
**Веб-сайт:** realtgroup.uz
**E-mail:** info@realtgroup.uz
*Хизматлар лицензияланган.*


### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Абдураззоқов Малла Рўзиқуловичга (2010 йил 23 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи Сарой кўчаси.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Туранов Наврўз Нарзуллаевичга (2020 йил 24 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Раджабов Куанга (2012 йил 24 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Джураев Кахрамон Сувановичга (2015 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Юнькова Валентина Ивановнага (2010 йил 13 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Мансуров Усмонга (1986 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Паст Дарғом туманидаги 20-ўрта мактабдан 1993 йилда Нуримов Бахтиёр Тухтошевич номига берилган АУ № 145046 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги Каримов Бозорбек Карим ўғли хусусий тадбиркорига (СТИР: 603459778) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2015 йил 3 декабрда 2321 рақам билан рўйхатга олинган, завод рақами 01122092 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси ва паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги «IXTIYOR TOTLI JO`JALARI» хусусий корхонасининг (СТИР: 307438778) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаро Константинова Татьяна Ивановнага қарашли Самарқанд шаҳри Термиз кўчаси, 1-йўлак, 50-уйининг олди-сотди шартномаси (Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида 2020 йил 13 октябрда тузилган) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Рўзиев Музаффар Насриддин ўғли номига берилган UM № 0155805 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 15-ўрта мактабдан 1995 йилда Ачилова (ҳозирда Аблазова) Жамила Салойдиновна номига берилган АО № 127936 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Насриев Шермат Зайниевич ва Бабаева Мадина Абдурафиковналар ўртасида 2011 йил 12 октябрда Самарқанд шаҳри Чўпонота масканидаги «Самарқанд Сиёб савдо» унитар корхонаси ҳудудида жойлашган икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари (умумий ер майдони 296.18 м.кв.) учун тузилган, Самарқанд шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланиб, 2947 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси ва ушбу бинонинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Тошпўлатова Комила Амонқуловна номига берилган U № 1117038 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд педагогика коллежидан 2015 йилда Артикбоева (ҳозирда Суюнова) Нилуфар Азимовна номига берилган рўйхат рақами 403, К № 3122559 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежидан 2015 йилда Эшпулатов Шоҳбоз Обиджонович номига берилган рўйхат рақами 878, К № 3841895 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 11-ўрта мактабдан 1998 йилда Маматкулова (ҳозирда Бемаева) Зулфия Бахриддиновна номига берилган O'R-A № 030216 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сиёб тиббиёт коллежидан 2009 йилда Хайдарова Шахло Абдусаломовна номига берилган рўйхат рақами 264, К № 1289693 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


## ИЧИМЛИК СУВИ ВА ОҚОВА ХИЗМАТЛАРИ
# НАРХИ ОШАДИ!

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2020 йил 9 декабрдаги 131/18-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувини чиқариш бўйича қуйидаги тарифлар кучга киради:**

| *«Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ истеъмолчиларига кўрсатаётган хизмат турлари номи* | *1 м.куб ичимлик суви учун (сўмда, ҚҚС билан)* | | | *1 м.куб оқова суви учун (сўмда, ҚҚС билан)* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *Аҳоли учун* | *Бюджет ҳисобидаги корхоналар учун* | *Хўжалик ҳисобидаги корхоналар учун* | *Аҳоли учун* | *Бюджет ҳисобидаги корхоналар учун* | *Хўжалик ҳисобидаги корхоналар учун* |
| **Самарқанд шаҳри** | **1850** | **4025** | **4025** | **1300** | **3220** | **3220** |
| **Каттақўрғон шаҳри ва туманлар учун** | **1850** | **4025** | **4025** | **1300** | **3220** | **3220** |

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2019 йил 3 апрелдаги 123-сонли қарорига асосан ичимлик суви ва оқова хизматлари учун кучга кирган тарифларга 1 м.куб ичимлик суви ва 1 м.куб оқова хизматлари учун уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 50 (эллик) сўм миқдорида устама ҳақи ҳисобланади.

Янги тарифлар кучга кириши муносабати билан аҳолидан, корхона ва ташкилот раҳбарларидан ичимлик суви ва оқова хизматлари бўйича мавжуд қарздорликни 2021 йил 1 январгача тўлиқ тўлашларини сўраймиз.

**«САМАРҚАНД СУВ ТАЪМИНОТИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ.**

Самарқанд шаҳри марказидан барча қулайликларга эга умумий ҳовлидан уй **СОТИЛАДИ**.

Уйдан офис сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

**Телефонлар: 91-528-59-84, 90-374-90-24.**


Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Щёлково Агрохим - Ўзбекистон" Россия – Ўзбекистон қўшма корхонаси жамоаси вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқовга укаси **Абдуманнон РАФИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгаши раиси Суҳроб Рафиқовга укаси **Абдуманнон РАФИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН ХАТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ




Мурожаат ва ечим

## Тўқсон кундан буён суюлтирилган газ кутяпмиз

@zarafshonbot электрон манзилимизга Тойлоқ тумани Жумабозор қишлоғида яшовчи аҳолидан шикоят хати келди.



Унда айтилишича, маҳаллада охирги марта 2020 йилнинг 31 август куни суюлтирилган газ баллони тарқатилган. Бугунги совуқ кунларда аҳоли қийналяпти. Бунинг устига электр-энергияси кунига юз марталаб узилади.

"Совуқдан қалтираб ўтирган кекса ота-онангиз ёки жажжи фарзандингизни кўз олдингизга келтириб, бир ўйлаб кўринг, биз ҳозир худди шу аҳволдамиз..."

## 420 дона суюлтирилган газ баллони етказиб берилди

Мазкур мурожаат жорий йилнинг 2 декабрь куни Zarnews.uz телеграм каналида берилгач, Тойлоқ тумани ҳокимлигидан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

*«Мазкур ҳолат туман мутасаддилари назоратига олинди ҳамда ўша куннинг ўзида, яъни 2 декабрь куни жумабозорликларга 420 дона (8400 килограмм) суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди».*

*Туман газ таъминоти идораси бошлиғи М.Пардаев аҳолининг суюлтирилган газ баллонига бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилмаётганини таъминотчилар ҳудудларга ўз вақтида газ етказиб беролмаётгани, режага нисбатан кам газ олинаётгани билан изоҳлади.*

## Ҳаёт ҳақиқатлари

Бир танишим ўғлига "Сен зўр одам бўласан!", дерди ишонч билан. Ўғли жаҳон чемпиони бўлди. Бошқа бири "Сен одам бўлмайсан!", деб нуқул уришарди. Ўғли ўғри бўлди.

Ҳар бир сўзни билиб, ўйлаб ишлатиш, ниятни пок қилиш кераклигига яна бир бор иймон келтирдим.

"Дунёда қиз қуригандек ўғлим сенга уйланди. Боламнинг бўйнига осилиб олгансан. Сени келин қилиб адашдим", дерди доим қайнона келинининг хизматидан кўнгли тўлмай. Келин барчасига сабр қилди.

Вақт ўтди. Қайнона қариди. Хасталаниб тўшакка михланди. «Ёмон келин»и жонига оро кирди. Оқ ювиб, оқ таради.

**Дилбар ҲАЙИТОВА.**

Муштарий мулоҳаза қилади

## Андишанинг отини қўрқоқ қўйманг!

Халқимизда кўп ва хўп айтиладиган бу нақлда ҳикмат бор. Андиша форсча сўз бўлиб, луғавий маъноси фикр юритиш, мулоҳаза ёхуд мушоҳада қилиш демакдир. Арабийда эса лутф, ҳаё, хижолат маъноларини англатади.

Таниқли олим Яраш Нуриллаевнинг "Нажот бешиги" ҳикматлар тўпламида андишага қуйидагича таъриф берилган:

"Андиша - ҳаё, поклик, инсонийлик, ҳалоллик, ғурур, қадр ва нафс туйғулари устидан пинҳоний тортилган ибо пардасидир.

Инсонийлик, деган эътиқод чегарасидан четга чиқмасликка андиша, дейилади. Шунингдек, андишасизлик бу оқибатини ўйламай ва юз-хотир қилмай ёмонлик қилиш одати".

Андишали одам "Оғир тошни сув олиб кетмас" деган нақлга амал қилган ҳолда енгилтаклик ва шошма-шошарликдан тийилиб, ўзгалар тазйиқига сабр қилади. Бир даврада ўтирган суҳбатдошингиз андишасизлик билан сизнинг қадр-қимматингизни англамаса, сукут сақланг. Чунки товуш қанчалик баланд чиқса, тортиниш ва андиша ҳисси шунчалик чекина бошлайди.

**Анвар ҒУЛОМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

... савол беради



**– Келиним 5 ойлик ҳомиладор. Уни гриппга қарши эмласа бўладими? Бу туғилажак фарзандга зиён етказмайдими?**

**Нигора РАҲИМОВА,**
**Булунғур тумани.**

## Ҳомиладор аёлни гриппга қарши эмлаш мумкинми?

- Албатта, ҳомиладорликнинг 4 ойидан бошлаб аёллар гриппга қарши эмланиши мумкин. Чунки 4 ойликкача ҳомила шаклланади. Бу вақтда эмлаш тавсия этилмайди. Гриппга қарши вакцина нафақат ҳомиладор аёлларга, балки барча учун ҳам хавфсиз, ножўя таъсири йўқ. Вакцина қабул қилингандан кейин 2 ҳафта ўтгач фаоллашади. Агар ҳомиладор аёл гриппга чалинса, у ҳолда ҳомилада турли нуқсонлар кузатилиши мумкин. Шунинг учун аксарият ҳолларда келинларимиз ҳомиладорликни режалаштиришдан, қизларимиз тўйдан олдин вакцина олади. Гриппга қарши вакциналар бугунги кунда Франция, Россия, Хитой, Нидерландия каби давлатлардан олиб келинади.

**Ҳамида РАМАЗОНОВА,**
**шифокор-иммунолог.**

... муносабат билдиради

## Ота-оналар нега ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилмайди?

"Зарафшон" газетасининг 2020 йил 15 октябрдаги 116-сонида чоп этилган "Бизда Қоракўлдагидек мактаб бўладими?" мақоласи эътиборимни тортди. Мақолада таъкидланганидек, бундай мактабни ҳар бир шаҳар, туманда ташкил қилса бўлади. Фақат ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорликда ишлаши жуда муҳим.

Бундай дейишимга сабаб бор. Битта синфда 30 нафар бола, уларнинг 30 хил характери, дунёқараши, дарсларни ўзлаштириш даражаси бор. Кимдир ширин сўз билан дарсларни яхши ўзлаштирса, кимгадир бироз қаттиқ гапиришга тўғри келади. Баъзан ота-оналар вазиятга тўғри баҳо бермай, ўқитувчини ҳақоратлайди ҳам. Муаллим сездирмаса ҳам дили оғрийди. Баъзан ўқувчининг дарсларда нофаол иштироки, вазифаларни бажармаганлиги учун паст баҳо қўйсак, ота-оналар дарҳол шикоят қилиб келади. Фарзандининг айбини, вазифаларни нечоғли бажарганлигини назорат қилиш ўрнига бундай йўл тутиши ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини, масъулиятини сўндиради.

Афсуски, бу ҳолат карантинда, онлайн таълим жараёнида ҳам давом этди. Айрим ўқувчилар дарсларни ўз вақтида бажармади, баъзилари бошқа юмушлар билан банд бўлди, ишлаб, рўзғор тебратаётган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Бироқ айрим ота-оналар уларнинг таълим олиши учун шароит яратиб бериш ўрнига, ўқитувчи уйга вазифани талаб қилса, дарҳол мактаб маъмуриятига шикоят қилади. Бундай аралашувлардан кейин қандай қилиб мактабларнинг рейтинги яхши бўлсин. Юқорида айтганимдек, ота-она ва ўқитувчилар ҳамкорликда иш олиб бормас экан, муаммо муаммолигича қолади.

**Муниса ШАМСИЕВА.**

... эътироз билдиради

## Машиналар ҳаракатига халақит бераётган тиланчилар

### Уларни ким тартибга чақиради?

Яқинда Сиёб бозорига бордим. Даҳбед кўчасидаги муюлишда светофорнинг яшил чироғи ёнишини кутиб, тўхтаб тургандик. Дафъатан кучли сигнал эътиборимни тортди. Ҳайдовчи кимгадир бақириб, чеккага ўтишини талаб қиларди. Қарасам, турнақатор машиналар орасида 14 ёшлардаги бола қўлига сурат кўтариб тиланчилик қиларди.



Шунда такси ҳайдовчиси бундай ҳолатни, шаҳримизнинг серқатнов, тирбанд чорраҳаларида учратиш мумкинлигини, улар нафақат машиналарнинг ҳаракатига, балки ўзларининг ҳаётига ҳам хавф солаётганини, куйиниб айтиб қолди.

Ўйлаб қолдим. Агар машиналардан бири ногоҳ уларни туртиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этса, ким айбдор бўлади? Машиналар ҳаракатига халақит берган болами ёхуд ҳайдовчи?..

**Наргиза ОДИЛОВА,**
**Фарҳод шаҳарчаси.**

## Бола маънавий тарбияни оиладан олади

Конституциямизда ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Хусусан, унда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ҳамда тарбиялашга мажбурлиги, фарзандлар ота-оналари насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, қомусимизнинг 41-моддасида ўғил-қизлар бепул таълим олишлари ва мактаб иш юритуви давлат назоратида экани белгиланган. Конституциямизда ифодаланган ғоялар туб негизида ёшларга ғамхўрлик қилиш ҳамда уларни баркамол инсонлар сифатида тарбиялашдек эзгу мақсадлар мужассам. Бугун ўғил-қизларимиз ана шу ҳуқуқий кафолат асосида таълим-тарбия олмоқдалар, ҳар жабҳада ютуқларга эришяпти.

Аммо айрим ёшлар компьютер, интернет каби воситаларга асир бўлиб қолди. Ачинарлиси, ахборот ва маълумотлар оқими ўсмирлар томонидан тўғридан-тўғри, "фильтрлашсиз" қабул қилиняпти, бу эса уларнинг онгини заҳарлаб, маънавий-ахлоқий дунёсини заифлаштирмоқда.

Бу зарарли ҳолатларнинг олдини олиш учун ёшларга телевизор, интернет, уяли телефонлардан фойдаланиш маданиятини кичик ёшдан бошлаб шакллантириб бориш лозим.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда уяли телефон орқали намойиш этилаётган ҳаёсизлик ва зўравонликни тарғиб этувчи лавҳалар ёшларнинг онгига салбий таъсир ўтказмай қолмаяпти. Айрим ота-оналар фарзандларининг қўл телефонларида қандай ёзувлар борлигини, улар нималарни томоша қилаётганини билмайди.

**Акбар УМАРОВ,**
**Иштихон тумани.**

## Хатлардан сатрлар

Илгари маҳалладаги тўй-маъракалар, маросимлар ёши улуғ кишиларнинг маслаҳатисиз ўтмас, ёлғиз кексалар уйидаги юмушлар ёш-яланглар томонидан бажариларди.

Бугун эса маҳалладаги тўй-ҳашамлар у ёқда турсин, ҳатто фарзандлар ҳам кекса ота-онасининг маслаҳатисиз ишларни бажаришади. Афсуски, бугун бу вазифани телефон бажармоқда. Ёшлар сизни тинглашга вақт ажратгандан кўра, телефонга тикилишни афзал билаётгани кишига алам қилади.

**Турди ТУРСУНОВ,**
**Пайариқ тумани.**

М-39 йўли четида жойлашган Зарафшон маҳалласи атрофи ва кўча бўйида барпо этилган боғлар бугун чиқиндилар билан тўлган. Бу ердаги елим халталар, ичимликлар идишлари, чиқинди уюмлари таъбингизни хира қилади.

Бу чиқиндилар қаердан пайдо бўлди, дерсиз. Уларни ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ҳамда магистраль йўлдан ўтаётган йўловчилар ташлаган. Аммо бу манзаранинг гувоҳи бўлса-да, негадир маҳалла аҳли бунга лоқайд.

**Адиба ОРЗИҚУЛОВА,**
**Жомбой тумани.**

## Ҳар бир мактубда қайноқ ҳаёт бор

Мактублар. Унда инсоннинг дилидаги ўйлари, фикри, муаммоси, таклифи мужассам. Гарчи бугун замонавий ахборот етказиш манбалари кўпайган бўлса-да, қоғоз қоралайдиган муштарийларимизнинг кўплиги бизни қувонтиради.

Шу кунгача сиз, азиз муштарийлардан 1300 га яқин мактуб олдик. Уларнинг 60 таси шеърлар бўлса, 38 таси мактуб муаллифини қийнаётган муаммолар, қолган мингдан ортиқ хатлар фикр-мулоҳаза, ҳаётдан олган сабоқлар, жамиятнинг кўз юмиб бўлмас иллатларига муносабат, таклифлардир.

Хатларнинг ҳеч бири такрорланмас, бир-бирига ўхшамайди. Жумладан, **доцент Жўрақул Қаюмов** IX-XI асрда яшаган, ўз даврининг буюк мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Беруний ва Форобий ҳақида тарихий манбаларга асосланиб ажойиб маълумотларни келтирган.

Жумладан, хатда Ибн Сино замондошлари томонидан "олимлар сарвари" – Шайхурраис деб номлангани, тиб илмига бағишланган "Китоб ал-қонун фит-тиб" асари олти аср давомида 40 марта нашр этилгани, Берунийнинг "Ал-асар ал-бакия" рисоласи ҳақида, унинг астрономия фанига қўшган ҳиссаси, Форобийнинг осмон жисмларининг умумий табиати ҳақидаги билимлари баён этилган.

**Амир Темур мақбарасининг гид-экскурсоводи Хушнуд Абдуллаев** XV асрга мансуб, темурийлар даҳмаси ҳисобланган Оқсарой мақбараси ва ундаги ёзувлар ҳақида мактуб йўллаган. Унда ёзилишича: "Мақбара саккиз қиррали бўлиб, деворлари оч рангда пардозланган мармартошлар билан қопланган. Асосий пештоқи жануб томонда жойлашган. Бу ерда даҳмага пастлаб тушадиган ва асосий залга ўтадиган миёнсарой бор. Оқсаройда инқироз даврида ёнғинларнинг таъсири бўлса-да, рангтасвир нисбатан яхши сақланган".

**Самарқанд тумани Қўшмачит маҳалласида истиқомат қилувчи Асламқул Асроров** бугунги кунда дори воситаларининг нархи ошиб кетганлиги, дорихоналарда фаолият юритаётган сотувчиларнинг айримлари ҳатто дориларнинг қўлланилиши бўйича етарли маълумотга эга эмаслиги ҳақида куйиниб ёзган. Самарқанд туманидаги айрим дорихоналарда керакли дориларнинг йўқлиги, оддий кўз дориси учун ҳам шаҳар марказига боришга тўғри келганлигини билдирган.

**Иштихонлик Ўш давлат университети талабаси Ҳилола Тошқулова** ўз хатида "Аёл киши рўмол ўраб юришига қандай қарайсиз?" деган савол билан хотин-қизларимизга юзланганини ва бир-биридан қизиқ жавоблар эшитганини баён этган. Кимдир киноя билан, кимдир пичинг билан бу саволга жавоб берган. "Аслида рўмол ҳар бир аёлнинг ҳаёси, шаъни ва андишаси. Унинг йўқолиб кетаётгани ачинарли", дея ёзади Ҳилола Тошқулова.

**Ҳаёт Худоёр Самарқандий**дан келган мактубда ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларининг муаммолари ва унга



билдирилган ечимлар баён этилган.

Яъни унда ёшлар ишсизлигини, муаммоларини аниқлашга хизмат қилувчи "Темир дафтар" ҳамда "Ёшлар дафтари" мактаб ёшлар иттифоқи етакчилари томонидан уйма-уй юриб тўлдирилаётгани, бу ҳол мактаб етакчиларининг ишига халақит бераётганлиги ва уларнинг эътирозига сабаб бўлаётгани айтилган.

Муштарийимиздан муаммонинг ечими сифатида дафтарни тўлдириш учун ёшлар етакчиси эмас, балки бириктирилган мутасадди ташкилотлар томонидан ҳар бир ҳудудда янги иш ўрни яратиш таклиф этилибди.

**Хатлар ва ижтимоий тадқиқотлар бўлими.**

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 715 нусхада чоп этилди. Буюртма 765

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009